

# ҲИҚМАТ

ёки

Олмос шамшир ҳақида достон

*Қозоқбой Йўлдошга*

*Кўрдик, бор кўргулик ўтди юракдан...*

**Анна Беркова**

**1.**

Шеърятда тўфон кўпган етмишинчи йиллар. Ҳар бир шоир ўз танқидчиси, тарғиботчиси ва иярчанг шотирлари билан юради, шиддат билан от суради. Улоқ талашади.

Худди Муовия каби, уйку билмайди.

Кўз очирмайди.

Улуғлар юзига сачрайди.

Довул қоқади.

Қабоҳатнинг чегараси йўқ!

Уят – нима, андиша – нима, билмайди улар. Маразлик ва юзгачопарлик фазилатга айланган. Ўша кезлар институтда талаба-шоирлар билан учрашув бўлди. Азим Суюн билан шунда танишдим. У чакнаб отилган вулқонга ўхшар эди, сира бўйин бермасди.

Қачон қараманг, осмонда, қачон қараманг, ҳаволагани ҳаволаган. Ҳеч пастга тушмайди.

Шоирлар саркаш-савдойи бўлади, дейди Миртемир. Ўттизга бориб куюлади. Агар, шундаям ўзини тия олмаса, билингки, бу дарди бедаъводир.

Бир куни Абдували Қутбиддин гижинглаган тойдай ўйноқлаб келиб иш столим устига чиқди ва ялпайиб ўтириб олди. Яна қаерда, девонда! “Ҳай-ҳай”лаб, аранг уни пастга туширдим. Индамасам, бошимга чиқиб олади...

Шоирлар саркаш-савдойи бўлади. Шунинг учун ёвлар-ғанимлар Муҳаммад (с.а.в)ни шоирга чиқарган...

Аммо, бу жунун эмас, қора афсуннинг биринчи амали, яъни, ширк келтиришдир.

Олдин шундай “ўйин” қилади, кейин – қора ният...

Азим Суюн: – Мен шеър ўқийман! – деб даврага отилиб чиққанига ҳам кўп йил бўлди, шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Қанча “юлдуз”лар сўнди, ҳатто “қуёш” тутилиб, дунёни титратган империялар йўқ бўлиб кетди. Биз ўша даврда тарбия олдик, аммо бошқа замонда яшайпмиз. Азим Суюн бўлса, ҳамон ўша-ўша, ўзи очган чақир йўлда собит, Қуёш ўз йўлида ва Ой ўз йўлида, дарёлар ўз йўлида собит бўлгани каби. Бунинг маъноси шуки, у ўзини ўтга-сувга урмади, юраги буюрган ишни қилди ва ёзди. Гарчи сафдошлари тўлғама кўзгаган тўфонли бир даврда яшаган бўлса-да, мудом кўнгил кўчасидан юрди.

Омон Матжон: *“Бул замон тилсимларин очмоқ Омонлар касбиким!..”* – деб ҳадд урган давр, бу!

Бу даврнинг фожиаси шундаки, руҳсизлик ва фикрсизлик ҳукм сурди. Воқеликни англаш ва ақл юритиш жоду кучи билан чеклаб ташланди. Ва руҳнинг устига миниб олди, улар. Олам қақшаб кетди. Бутун оқим улар томон оғди. Ва шу тариқа кўпчилиги муҳаррир, модерн шоир, чакноқ хонанда, “ёмон ёза олмайдиган ёзувчи”, “хизмат кўрсатган...” ва “халқ...”, депутат ва сенатор, ўткир ва қайтмас вазир, гўзал хислатлар соҳиби бўлган давлат маслаҳатчиси ва ҳатто замонамиз қахрамони мақомида намоён бўлди.

Эшитдим, Матжонни болалари 16-шифохонага этиб ташлапти, токсикология<sup>1</sup> бўлимига! Одамни танимайди, муштдай бўлиб, кафтига ияк тираб, кун бўйи ўй суради, дейишди.

*“У замон тилсимларини очаётган бўлса керак! – дедим мен. – Ўзи айтар эди, олдин ақлни олади, деб!..”*

Шундай!

***Балки бир сарварсиз шонли-шавкатли,***

***Уммоннинг тўфони каби қудратли –***

***Камбагал ҳақиқа бекли, давлатли,***

***Сиз бизга дўст эмас, сиз биздан эмас!*** – дейди Азим Суюн. Ва тўғри айтади.

Қаранг, у ҳақда сўз айтиш масъулияти одамни қийнайди. Чунки у босиб ўтган йўл жуда оддий. Ёки шундай бўлиб туюлади. Худдики, тоғ бағрида туғилган, шоир бўламан деб пойтахтга келган. Ўқиган. Шеър ёзган...

Ўша, ўзимиз билган Азим Суюн.

Ҳолбуки, долғали даврда яшади.

Ва минбарга чиқиб, обрў олиш учун бировнинг юзига сачрамади, арбоб бўламан деб чанг чиқармади, ўттиз ёшга етар-етмас қуюлиб қолди.

Замон шундайки, жиндай сирли ва мутакаббир бўлмасанг, жиндай “ўйин” қилмасанг, кобрадай ҳамлакор тўданг бўлмаса, биров сени бир тийинга олмайди.

Азим Суюн эса, индамай шеър ёзади, на ўз тўдаси, на маддоҳлари ва на таянч тоғи бор...

Ҳатто “дарвешлик” ҳам қўлидан келмайди, ўзини савдойи тутмайди.

<sup>1</sup> *Токсикология – заҳарли модда истеъмол қилишдан келиб чиқадиган хасталикни даволовчи бўлим.*

Шунинг учун бир пулга қиммат хашаки “ўйинчи”лар безбетларча уни босиб ўтди ва, яна ўзича, уни чангда қолдириб кетди.

Унвон масаласида...

Бир қарашда шундай.

Лекин, аслида, бутунлай бошқача.

Азим Суюннинг турган-битгани сир.

Дунёнинг тубига етдим, деб ўйламанг. Дунёнинг турган-битгани сир...

Қани, шўро замонида от суриб чанг чиқарган зотлар? Қайси бири дунёга устун бўлди? Кимга вафо қилди шон-шараф, амал?!

Жиноят оламида “Якка бўри” деган истилоҳ бор. Якка бўри уюшган жинойи тўдага қўшилмай, бир ўзи ҳаракат қилади.

Азим Суюн ҳақида ўйласам, ўзим кўрган-билган бир якка бўри кўз олдимга келади. У азамат ва довурак, чапдаст ва оққўнгил йигит эди. Билмадим, ҳозир қаерда? Аммо, муомаласи мулойим, айтар сўзи тотли-ширари, нутилмас...

Яратган ҳам ёлғиз!..

Дунёда яхшилар кўп, аммо сочиб юборилган! Ахил-иттифоқ бўлиши қийиндан қийин!..

Билсангиз, оламда ёлғизликдан, айниқса, нажотсизликдан оғир кулфат йўқ. Ҳаққи-ҳаётинг, ҳатто ризқу насибанг, тинчлигинг ва осойишталигинг кафолатланмаган ўша йилларда Азим Суюн ҳам якка бўри каби ўзига ишониб, мудом курашиб яшади.

Ким нима деса деяверсин, лекин, етмишинчи йилларда адабиётга уюшган ёт унсурлар, чинакам ёсуманлар ёпирилиб кирди, уларни “ўйинчи” ҳам дейишади, аммо бу истилоҳ жуда заиф ва бу қавмнинг манфур қиёфасини очиб бермайди.

Ҳар нарсани ўз номи билан атамоқ керак.

Биз ёсуман деган тоифа кейинчалик ҳатто сиёсий мавқе топиб, кўпдан-кўп амал ва лавозимларни банд этди. Жоду билан иш кўрган бу маккор қавм ҳақида ҳали кўп ёзишади, одамлар узоқ муҳокама қилади. Бу, Ҳақ йўлдан озган, аммо ўзини Ислом дини жонкуяри қилиб кўрсатиб, уни ич-ичидан емириб келаётган, фитна-адоват кўзғаб муттасил қон тўкаётган, ёки бўлмаса, сиёсий муҳолиф сифатида, халқни бўлиб ташлашга уринган, ҳамон унинг қонини ичиб ётган ёвуз ва маккор кучнинг адабиёт ва сиёсат оламидаги сирли бир кўринишидир.

***Разил тўда! Жуда ёмонсан,  
Очофатсан, маккор илонсан.  
Ўйлаганинг молу мулк фақат,  
Ва пинҳона айшу ишқ, ишрат.  
Сенга керак эмас Ватан, халқ,  
Сен ўзингча доим баланд, ҳақ... –***

деб ёзади Азим Суюн, бир шеърида. Аслида, шоир айтганидан беш баттар. Уят, андиша – нима, истиҳола нима, ҳадд-сарҳад нима – билмайди улар.

Қутуриб кетган!

Яна тилладай товланиб, кўзни қамаштиради!

Ҳавас кўзғайди!

Мана шундай вазиятда бундай балодан баланд туриб, она сутидек беғубор, муҳаббатли ва орзу-ҳавасли халқ бўлиб яшамоқ, эзгуликнинг оташнафас куйчисига айланмоқ ва Ҳақни-ҳақиқатни улуғлаб, ўзгаларни шунга ундамоқ осон эмас, албатта.

Азим Суюн эл-улусда очик-сочик, тоғлик бир оқин каби таассурот қолдиради. Уни содда ва анойи, дали-ғули, деб, ҳатто шунга ишониб юрганлар қанча. Шоирнинг ташқари ҳовлисига кўз ташлаш мумкин, лекин ичкари ҳовлисига бўйламоқ қийин, гарчи у бировларга ўхшаб нозу таманно билан ўзини исёнкор ва дарвеш-савдойи қилиб кўрсатмаса-да! Агар, суратига кўзингиз тушса, мунча содда бўлмаса, бу бола, деб ўйлайсиз. Бироқ у ернинг остида илон қимирласа, билади, дарёнинг сиртига эмас, балки унинг ички оқимига қараб, ақл юритади. Шеърларидаги ҳикмат садоси, теранлик ва безовталиқ шундан, аслида.

*Ёлғиз турна баланд-баланд учмоқ истайди,*

*Афсус, унинг қанотлари ярадор.*

*Шўрлик гоҳо она ерга тушмоқ истайди,*

*Лекин унда яралаган кимса бор...*

Гарчи бу шеър ҳазин ва шикаста бир кайфият таҳиса-да, тушқунликдан холи, умидсизликдан мутлақо йироқ. Унда тоғликларга хос донолик ва чуқур инсоний-руҳий ҳасрат яширин...

Азим Суюн ўзи кўрган-билган оддий-одатий ҳодиса ҳақида эмас, балки парда ортида бўлган сир-асрор ҳақида сўз юритаётир, куюнаётир. У ҳикматнинг қадрини билгани ва сиздан қизғангани учун уни парда ортига олаётир.

Узоқ замонлар Одам авлоди шу ярадор турна каби зулм ва кулфат ичида яшаб келди. Кўз илғамас разилликнинг, макр ва жодунинг қулик-қурбони бўлди. Бу ситам ва адоқсиз мусибат ҳар қанча эзмасин, адо этмасин, у ҳақ йўлдан, ихлосу матлаби ва умиду ишончидан чекинган эмас.

Шоир шунга ишора қилади. Гарчи у иложсизликка яроқли чора топмаган бўлса-да, ўтган азизлар йўлида собит экани аён сезилиб туради.

Бу шеър ёзилган вақт Одам Ато айтган, кейинчалик Соҳибқирон узугига муҳрлаб олган ҳикмат ҳали ҳижоб ичида эди. Ва буни ҳам унутмаслик керак. Ўша мислсиз зот, одамлар Отаси айтганки, **нажот Ҳақдадир!..**

Бу шеър етмишинчи йилларда ёзилган. Сиз уни ўша ярадор турнага, истасангиз, истибдод чангалида қон ютган мазлум миллатга, ёки бўлмаса, нажотсизлик жон-жонидан ўтиб кетган шоирнинг ўзига ўхшатишингиз мумкин.

Ихтиёр ўзингизда!

## 2.

*“Менинг болалигим, ёшлигим Нурота тоғ тизмаларини гоҳо пиёда, гоҳ улов билан, гоҳо милтиқ кўтариб, гоҳ салтанг ишқибозлик ила кезишда ўтди, – деб ёзади Азим Суюн. – Бундай кезишлар, ишқибозликлар мени ҳануз тарк этган эмас”.*

Бунга ишонмоқ керак.

Мен уни таниган вақтда ҳам юрагида бир олов бор эди, у чакмоққа ўхшаб кетарди, ҳозир ҳам шундай. Ўша оташ ҳамон уни тарк этган эмас.

Бу ўт-оташ гоҳо бирдан аланга олиб, ловуллаб ёнади ва унинг ёлқини ўзга кўнгилларда олов ёқади. Шунда ўтли нафаси билан улусни маҳлиё этган тоғлик шоирга қараб, меҳрим товланиб кетади. Дунёда шундай қайтмас ва ёвқўр, пок ва оловқалб, метин иродали инсонлар борлиги менга қанот бағишлайди.

***Баҳор доим баҳорлигин аён этар,  
Офтоб нури булутларни ёриб ўтар.  
Бижғиб ётган кўлмакларни кўп кўрдим-эй,  
Оқар сувлар ўз йўлларин топиб кетар!***

Азим Суюн шердек наъра тортиб ҳадд урганида, ўша, оқар сувнинг йўлини тўсган тош-метин тўғон зирқираб дарз кетади ва уқалана бошлайди, Тожмаҳал ёки Миср эҳроми каби!

Сфинкс каби ич-ичидан емирилади.

Шундай бўлишиям керак-ку, ахир, куёш тик келганда кўлага даф бўлгани каби.

Бу дунёда Ҳақиқат бор! Ва у тантана қилади, ақл-идрок ўтмиш устидан ҳукм чиқаргани, иймон ва ихлос жавҳарни тозалаб, жисму жонга нур ва уйғоғлик ато этгани каби.

Нопоклик Покликнинг, ёвузлик Эзгуликнинг, ҳақсизлик Ҳақликнинг олдида юз тубан кетади.

Абадият қонуни шундай.

Ярадор турнадек сарсари кезиб, оқар сув каби ўз йўлини очган шоирнинг қисмати бунга бир мисол эмасми?! Унинг олдида ғанимлари ўзини кўярга жой топа олмай қолади.

Ёки улар ич-ичидан зил кетмайди, деб ўйлайсизми?!

Хато қиласиз.

Бир адабиётчи, Одил Ёқубов роса донг таратар эди, мингга бўлинмаса, деб, фироқ қилади ва арзу жамолини нашъу намо этади. Буни ҳаёт дейдилар, дейди, амалидан маст бўлади.

Мен уни огоҳ этмоқ истайман:

– Эй Худодан қайтган! Ҳаммаси сен айтган каби! Унинг жароҳати-йўқотиши кўп, аммо юзини ва сўзини, изини ва икки дунёсини иймон нури безаб турибди.

Хўш, қани айт-чи, сен кимга ишонасан? Ва нимага эришдинг, уни мингга бўлиб?!

Ўзинга маҳлиё бўлмай, зехн кўзини оч! Атрофга бир қара, оламда не хол ва сенда не хол? Буни кўрмоқ, ҳис этмоқ ва нима эканини англаб етмоқ керак!

Ҳадд урганча!..

Наинки бу дунёнг, ҳатто у дунёнг куйиб кул бўлди! Буни ўйламоқ ўрнига ғулу соласан, дағдаға қиласан!

Нобакор!

Бу қавм шундай: ҳатто оёғи осмондан бўлиб йўқликка қулаган пайтда ҳам: “*Кўрсатиб қўяман, ҳали!*” – деб мушт ўқталади.

Кимсан ўзинг?

Нимасан?!.

Бу олам шундайки, мудом Яратганнинг иродасига сомеъ! Ва мудом у билан яхлит, бир бутун...

Ёқубов ҳақидаги истилоҳ Азим Суюнга ҳам тегишли. Уям шу ҳолда.

***Эй дўст!***

***Бургутлар қувватин кўзи кўзимда,***

***Шерларнинг қудрати жамдир ўзимда.***

***Бу Оламни барбод қиларми эдим,***

***Гар тақдир отлари бўлса измимда?!.***

Анна Беркова ҳам вақтида шундай ҳасрат қилган, ўртанган. Агар, Темури бўлсам, ёғийни тулпорим думига боғлаб, ғубордай тўзғитар эдим, сўнг дунёдан воз кечар эдим, дейди у.

Жонидан ўтиб кетган!

Тегирмон тошидай айланиб, жонимни қийнаган дард бу-ҳасрат бу!

У юракка тўкилганида одам туғилганига пушаймон бўлади. Аммо, на бунда ва на Оламни барбод этишда бир тугаллик кўрмадим, мен. Бу, чорасизлик ва аламдан туғилган фарёд.

Оламни барбод этиш қийин эмас, аммо яхшиларнинг гуноҳи нима?

Улар умид билан яшаб, ёруғликка талпиниб, борки ёмонликка чидаб келаётир! Армоним ушалса, бола-чақамнинг бахтини кўрсам, дейди!

Уилям Фолкнер айтадики, инсонни енгиб бўлмайди! Йиқилган бўлса, туради ва қаддини кўтариб олади, ҳали!

Азим Суюн ҳам шу матлаб билан нур ўйнаётган уфққа умидвор кўз тикади ва некбин сатрлар битади:

***Мен қўшимнинг боғларидан қарздорман,***

***Кездим, юртлар тоғларидан қарздорман.***

***Ватандан жон қарзим бордир – ҳар куним,***

***Ҳар бир ўтган чоғларимдан қарздорман!***

Бу – ҳаётбахш некбинлик. У шундан озиқ олиб, йиллар давомида кўркам бир шеърият яратди. Унда бахшиёна оҳанг, сарбаст шиддати ва ўтли-

хароратли нафас силқиб туради. У тоғлик инсонлар қалбини Расул Ҳамзатов каби катта бир самимият ва ёлқинли муҳаббат билан очиб беради.

*– Ҳозиргина уздим тандирдан,  
Дўстдай ҳамроҳ бўлгайдир, болам! –  
Йўловчига чин сидқидилдан  
Нон тутади қўшқўллаб онам.*

*– Ҳой, қўшнижон, келинг бу ёққа,  
Айтинг, келсин келинингиз ҳам.  
Қаранг, мойдай эрир дудоқда! –  
Нон тутади қўшқўллаб онам.*

*– Ҳа, бу кулча сенинг учун, ҳа,  
Ол, буниси синглинга, бўтам... –  
Атрофда ким кўриниб қолса,  
Нон тутади қўшқўллаб онам.*

*Оғушидан зар нурин тўкар  
Олам узра шамси мукаррам.  
Дунё аҳли шундан ўтса гар,  
Нон тутади қўшқўллаб онам.*

Гарчи буни у йигирма бир ёшида ёзган бўлса-да, на таърифга эҳтиёж бор ва на тавсифга.

Тоғлик онанинг дарё дили, қайноқ меҳри булоқдай тошиб, ҳиммати-марҳамати руҳ бағишлаб, сафо бағишлаб турибди, унга.

Шундай қўли очик, бағрибутун одамлар бор бу оламда, халқ бор, миллат бор...

Дунё шулар билан обод, кўркли ва мукаррам.

### 3.

Азим Суюннинг “*Мен сени тоғларга олиб кетаман...*” деган шеъри бор, уям ўша вақтда ёзилган, буни кўпчилик билмайди, ҳатто! Лекин шу руҳ, шу йўсин истифода этилган “*Сени осмонимга олиб кетаман...*” деган бир шеър машҳур кўшиққа айланди.

Нима учун?

Нега асл манбани бирон-бир тирик жон билмайди? Нега унинг “соя”сига ҳамма салом беради?

Дунёнинг сири кўп, синоати ҳам.

Машҳур хонанда Озодбек Назарбеков бу ҳолни “*маънонинг кўчиб юриши*” деб изоҳлайди. Ҳолбуки, бу – *жоннинг кўчиб юриши!* Сехр-жоду, яъни, амал илми билан шоирнинг қонини ичишдир.

“*Муҳаммад Юсуф чақмоқ урган дарахтдай қулаб тушди!*” – деган эди Абдулла Орипов, унинг ўлимини эслаб.

Ҳа, шундай бўлади! Аммо, унғача итирқин ишлар қилади, асликни кемиради!

Ва бундай тубан кирдикор ҳар қадамда учрайди. Тарихда ҳам мисол кўп, бунга.

Ҳазрат Али замонида, 657 йилнинг ёзида Шом ҳукмдори Муовия халифалик учун очиқ кураш бошлайди, ҳолбуки бунгача ҳам узлуксиз ғулу солиб, зимдан салтанатни емириб келган. У ҳазрат Алига бас кела олмагач, сеҳр-жоду билан уни орадан кўтаради. Салтанат имом Ҳасаннинг қўлига ўтади. Муовия яраланган илондай тўлғанади. Ниҳоят, 662 йили макр ва жоду билан қора ниятига етади...

Вақтида Муҳаммад алайҳиссалом суюкли набираларини тиззасига олиб: – *Бул иккиси менинг бу оламдаги икки райҳонимдур!* – дейди, сўнг Ҳусаннинг бошини силаб айтади: – *Бу, мендан кейин мусулмонлар орасида чиққан энг катта ихтилофга барҳам беради!*

Муовия шунга тус беради, афсун билан уни кучга киритади ва етмиш беш минг қўшин йиғиб, йўлга чиқади.

Имом Ҳусаннинг қўшини ундан кучли эди, деб ёзади тарихчилар, аммо у жоду таъсирида халифалик деб мусулмонлар бир-бирининг қонини тўкмасин, деган ўйга боради ва тожу тахтдан воз кечади. Укаси Имом Ҳусайн эса, салтанатнинг Муовиядан кейинги қонуний ворисига айланади.

680 йилнинг апрелида Муовия қаттиқ кекиради ва юраги узилиб тушгандай бўлади, кейин йўтал тутиб, тўшакка миҳланиб қолади. Жонига жабр қилган ҳукмдор қайтиб ўзига урган ва ич-этини еяётган қоралик жафосига чидай олмай, ўғли Язидни ҳузурига чакиради ва:

– *Эй Язид!* – дейди. – *Сен Ҳусайнга марҳаматли бўл ва нимани талаб қилса, бер, унға! Чунки биз ўзимизники қилиб олган давлат ва салтанат аслида уларникидир!..*

Ўлим кўрқинч солиб, ҳолини забун этгач, бадкирдорнинг кўзи чарақлаб очилади, Олам ҳақиқати бош устида шамшир яланғочлаб турганини кўриб, ёғасини чок этади. Аммо буни билмаган, отилиб юзага чиқаётган суллоҳ ҳовлиқади. Ва, сен унинг акаси билан отасини нима қилган бўлсанг, мен ҳам Ҳусайнни шундай қиламан, дейди.

– *Эй Язид!* – дейди Муовия. – *Мен эшитдим, Расул нидо қилди: “Қиёмат куни мен Ҳусайннинг қотили билан алоҳида муомала қиламан! Вой бўлсин қотилга ён босганга ҳам, Ҳусайнга хусумат қилганларга ҳам!”*<sup>2</sup>

Язид буни писанд этмайди. У наинки имом Ҳусайнни, балки Муҳаммад алайҳиссалом авлодини, оила ичи билан қўшиб қиличдан ўтказди. Ўшанда биргина гўдак омон қолган, холос! Уни имом Зайн ал-Обидин бинни имом Ҳусайн дейдилар!

Кейинчалик Хоразмшоҳ ҳам шундай мислсиз кулфатга гирифтор бўлган! Бу, аслида, уларнинг ҳаёт ҳақи, ризқ-насибаси ва бахту тахтини олиб қўйиш, демак. Ва бундай қабоҳатнинг уволи тутмай қолмайди. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон Амир Темур қолганларга ибрат-эслатма бўлсин деб айтадики: *“Тарихда буюк салтанат қурган Чингизхон ҳам, Муовия*

<sup>2</sup> Носируддин Рабғузий. “Қисаси Рабғузий”, Тошкент, “Ёзувчи”, 1991 йил, 2-китоб, 207-бет.



*халифалари ҳам, аббосий подшоҳлар ҳам Расулulloҳ авлодига зулм қилгани учун ҳалокатга юз тутди”.*

Бу шундай тарихки, айтган билан адо бўлмайди. Аммо шу ўринда бир ҳақиқатга ойдинлик киритмоқ лозим. Саййидлар ким? Ким имом Зайн ал-Обидин бинни имом Ҳусайн авлоди?!

Ва ким уларнинг зидди?

Нега улар “хўжа”лик даъвосида дунёни бузади?!

Нега?

Нима учун?..

Азим Суюн қисмати тарихни варақламоққа ундадими, қонли ва кўзёшли саҳифалар юзидан чангу ғуборни қувдими, билингки, у жўн шоир ва сиз ўйлаган дали-ғули одам эмас! Демак, Яратганнинг меҳрига ноил, демак, замонанинг хос бир сиймоси!

Келинг, яхшиси, яна унинг ўзига қайтайлик.

***Баҳодирнинг қиличи синди,***

***Сўнги нуқта.***

***Тугади эртак.***

***Пастак ҳовли четида дилхун***

***Бир бола йиғлайди –***

***Кўлида китоб.***

***Баҳодирнинг қиличи синди,***

***Баҳодирнинг қиличи синди.***

***Ёвники бутун!***

***Қайга кетди япроқдек бола,***

***Бўта каби қайда бўзлайди?***

***Учиб юрган варақлар, ана,***

***Шамолларга эртак сўзлайди.***

***Бола қани?..***

***Билмайман, аммо***

***Ишонаман, қайлардадир у***

***Баҳодирга қилич излайди...***

Бу каби ҳодиса ва аянчли кўргулик кишилик тарихида қайта-қайта содир бўлган. Буни англаб етмоқ учун Ҳобил ва Ийсо Масиҳнинг, Халифа Умар ва Халифа Усмоннинг, Ҳазрат Али ва имом Ҳусайннинг, яқин ўтмишдан эса, Жалололдин Мангуберди ва Мирзо Улуғбек каби сиймолар қисматини эслаш кифоядир.

Аммо мен Азим Суюн улуғлаган япроқдек бола олмос шамшир топиб келишига асло шубҳа қилган эмасман. Нимага десангиз, бу бола қонига ташна бўлган Одам авлодининг яраланган умиди, қон қақшаган иймону эътиқоди кабидир.

Ўша, япроқдек бола – сўнмаган умид-у, ўлмаган ишонч – ҳақсизлик ва зулмга қарши бош кўтардим, бас, муҳаққақ, унга чек қўйилгуси.

Вақт етди.

Бу кўркам шеър кўз олдингда содир бўлган унутилмас воқеа каби ёдингда-хаёлингда муҳрланиб қолади. Ундаги ҳақлик ва адолат тантанасига чанқоқлик қон-қонимиз ва жисму жонимизга сингиб кетганки, шунга ташналик ва интиқлик вояга етказган туғма бир хислат бу, минг йиллик армон...

Шунинг учун ҳам у юракни ларзага солади, руҳни бедор ва безовта қилади. Ўша, қиличи синган баҳодир каби, япроқдек болани ва унинг ҳаққи-хаётини ҳимоя қилишга мажбурият сезасан. Ўша япроқдек бола ҳақлик балқиб рўёбга чиқишини истайди. У шунга муштоқ ва мунтазир.

Нега у тилагига етмаслиги керак?!

Қачонки, шунга ҳақдор бўлса?!.

Буюк асарлар шундай содда, самимий ва кўнгилга яқин бўлади.

Ўлжас Сулаймоновнинг “Тунги таққослар”, “Болалик, боғлар, саратон...”, “Ёзда бир қиз келди, жануб шаҳарга...” шеърларини бир эсга олинг.

*Сен болсан гўё,*

*эсладимми – лабим тамшанар,*

*Сен – бир кулгу,*

*шиддатидан кўз ҳам ёшланар.*

*Мен гарибман, ким ҳам хафа қиларди!*

*Дўзах кўрдим, энди жаннат истар дил.*

*Эҳ, бошқалар нечун сени севадир,*

*Севма сен, одаммас улар, ахир...*

*Уларда дард ва изтироб не қилар,*

*Улар фақат кишнаб юрган йилқилар!*

*Айт, қачон тилларим сўйласин бийрон!*

*Қай лаҳзада кўзларим сочсин аланга?*

*Ношудликни кўриб беисён,*

*Итоатда чидашни ҳам ўргатгин менга*

*Ва тунлар қурбақадек бўзламасликнинг*

*айт чорасини!*

*Мен сени севаман,*

*Бева – оҳ уришни,*

*Балиқ – тез сузишни*

*Севса қанчалик;*

*Мен сени севаман*

*Ожиз – шуҳрат-шонни,*

*Қуёш – кенг осмонни*

*Севгани каби...*

Азим Суюн ҳам машҳур қозоқ оқини каби шуҳрат-шонни эмас, кенг осмонни яхши кўради! Унинг эркин шеърлари Ўлжас Сулаймоновни ёдга солади, улар тоғ дарёси каби асов ва шиддатли, қиличнинг дамидай кескир. Шоирнинг ўтли нафаси юрак пардасини титратиб ўтади.

*Ўлимдан титраган зот  
Титрагайдир ҳаётда!  
Уларга мен ҳамма вақт  
Қараб келдим нафрат-ла!  
Лекин, билсанг, оламда  
Бургут деган бир қуш бор,  
Титрамайди ўлимдан,  
Долга каби шиддаткор.  
Сўнги дамин сезса у,  
Қояга урар ўзин.  
Унинг олов патлари  
Ҳавода кетар тўзиб.  
О, улар тушмас ерга,  
Ерда нима, бойланиб?!  
Шу заҳот учар кўкда  
Бургутларга айланиб...*

Шеърнинг бўйсунмас руҳи хаёлга қанот бағишлайди.

Азим Суюннинг “Қодир овчининг ўлими”, “Тутқун”, “Муҳаббатнинг сирли эртаги”, “Кураш”, “Анғиз ўсган ерларда...” каби шеърлари худди шундай хислатга эга. Эътиқодда собит бўлган халқчил ва ўт-олов шоиргина шундай катта нафас билан долғали асарлар битиши мумкин. Ва улар Одам авлоди яшар экан, дил боғлари янглиғ унда муқим ўрин тутаяди. Нимага десангиз, инсон руҳиятида нурга ташналик, ёруғликка ва улуғликка ошуфталик бор, азалдан.

Мен шоирни оғир ва мушкул дамларда кўп кўрганман, лекин бировга бош эгганини билмайман, сира. Ҳар қандай тангликда ҳам собит ирода, ҳазил-мутойиба ва саркаш асовлик билан вазиятдан чиқиб кетади.

Тўқсонинчи йилларнинг охири. У “Ўзбекистон овози” газетасида муҳаррир. Бир куни тепадан бир мақола келади, Шимолий Корея етакчиси ҳақида. У рус тилида бўлган. Ўгиришган. Аммо унга йўқ жойдан хотима кўшилган, яна денг, Жанубий Корея, у билан яқинлик ва қўшма корхоналар ҳақида!

Хуллас, ишқал!

Шимолий Корея элчихонаси чанг чиқарган!

Уни адабий котиб қилган. Қасддан.

Нимага десангиз, у Ҳаким Саъдулланинг қавми-курсдоши бўлган. Ҳаким хон ўша вақт нуфузли идорада матбуот ишлари бўйича масъул эди. Унинг “буюртмаси” билан адабий котиб кечки пайт Жанубий Корея ҳақидаги тайёр матнни мақолага тиркаб юборган!

Газета чиқди.

Ва “ўйин” бошланди.

Ў-ў, сиз кўрсангиз эди Ҳақим хонни, чақмоқдай кесаман дейди!

Бирдан у амалдаги сиёсатнинг фидосига айланди. Ва “халқ душмани”нинг калласини олмоқ учун оламшумул тўлғама бошлади.

Унинг кўрсатмасига биноан шоирнинг оёғини ерга текизмай девонга олиб келдик, “Тушунтириш хати” олдик. Ҳақим хон ўша хатни қизил қалам билан ўзи чизиб ўқиган газетага қўшиб, ваҳимали жилдга солди. Ва Азим Суюн отасини ўлдиргандай ёки қайнотаси қилган ишни қилгандай жазавага тушиб, ўзини тўрт томонга ура бошлади.

Тавба!

Қайнотасини Ҳажга олиб чопади, Азимни жодига!..

Аслида, бу иш узоқ ҳозирлик ва қора ният билан қилинган, ундан иш чиқариш – унинг бўйнида!

Бу, Ҳақим хоннинг яккахон доирадаги “ўйин”и эмас! Унинг ортида бутун бир “армия” турипти!

У кечгача тиним билмади, бутун кирлигини юзага чиқариб елиб-югурди, кўлидан келган амални қилди, бироқ иш чиқмади. Ўшанда Матбуот котиби арзимас хато деб малакали мутахассисни ишдан олиш ақлдан эмас, дедим, шу билан масала катта қозонга чиқмади, деган. Аслида, давлат раҳбари уларнинг “ўйин”ини назарга илмади. Бўлмаса...

Кечга бориб, ҳамма ёқ сув қуйгандай тинчиди. Гарчи шундай бўлса-да, муҳаррир сазойи қилинган бечорадай бир четда сарғайиб ўтирибди, уйига кета олмайди, нимага десангиз, темир интизом шундай! Ёзилмаган қоида бўйича Масъул изн бермоғи керак. Бунинг учун у қабул қилиши лозим. Айбдор ялиниб-ёлвориб, эзилиб узр сўрагач, расмиятчилик юзасидан у сўнгги гапини айтиши даркор!

Нималарни ўйлаб топмайди, бу қавм!

Хато қилгач, масаланинг ечимини кутиб кун бўйи девонда сарғайиб ўтириш нима эканини юрагидан ўтказган одам билади.

Қуёш ботди, қоронғи тушди.

Шоирнинг юзига қон сачраган.

Ўша, йўли тўсилган оқар сув каби ҳеч ўзига сиғмайди. Ниҳоят, кечки соат саккизда Масъул сим қоқиб, бошлаб киринг, деб зарда қилди.

Кирсак, итирқин хонада бир этак жужук, кеча ишга келган, Азим Суюннинг ўғли тенги ходимлар ўтирипти, Сафар Остон бошчилигида! Билдимки, улар атай йиғилган. Масъул Азим Суюнни қандай “синдириб” ташлайди, қандай оёқости қилади, ўсиб келаётган ёш авлод кўриб қўйсин!

Ҳақим хон сиёсат қилмоққа бошлади. Худдики осмонни тутиб тургандек, баланддан келиб, иснод гаплар айтиб, шоирни изза қилиб камситмоққа, таҳқирламоққа ўтди.

Палағда тухум кўлансаси хонани тутиб кетди.

Кўнглинг озади, гарчи шундай бўлса-да, илож йўқ, бундай вазиятда токи Масъул захрини сочиб бўлгунча чидамоқ керак. Эртага ҳам кун бор! Эртага ҳам шу исқот билан ишлайсан! Илож йўқ! Муросою мадора қилмаса

бўлмади. Шу боис, мен шоирнинг тиззасидан босиб турибман, у юзи қора бўлса, ҳадд билмай уни “олиб бориб-олиб келади”. Йўқ, бўлмади, ахийри Азим Суюн вазмин ўрнидан қўзғалди.

– Саъдулла! – деди у палағда овозда. – Сен мени редактор кип қўйганинг йўқ! Ишдан ҳам ололмайсан! Сен кимсан, ўзи? Ҳеч ким эмассан! Ҳэ-э, сени ўша тукқан онангни!..

Азим Суюн шундай деб, эшикни тепиб очди-да, чикди-кетди.

Ёшларни-ку, билмайман, аммо мен жуда ноқулай аҳволда қолдим! “Онангни!..” – дейди-я! “Тукқан онангни!..” – дейди. Яна қаерда? Шундай бообрў идорада, кимсан, Масъулга!

Тавба-а, деб ёқа ушлайман.

Унинг маразлигини била туриб, яна ҳамманинг олдида: “Ҳэ-э, сени ўша тукқан онангни!..” – дейиш учун отнинг калласидай юрак бўлиши керак!

Ундан кўра, яхшилаб тупур, башарасига!

Йўқ, тупуришга арзимади!

Кўтига теп!

Йўқ! Оёқ ҳаром бўлади!

Қарор тўғри қабул қилинган!

Шу билан тилсим кесилди. Вақти келиб, Ҳаким хоннинг ўзи “учиб” кетди! Аммо “ўйин” зимдан қўламли тус олди.

Халқаро аҳамиятга молик глобал “интеграциялашув” жараёни бошланди.

Бу гал шахсан Алимов<sup>3</sup> жиловни қўлга олди. Хайриддин<sup>4</sup> хўжа бол йиғиб келади, бу кишим ҳалво пиширади.

Ўша кезлар Озод Фармонов<sup>5</sup> урилиб-сурилиб, ўрмончига айланди. Афтидан, бу дилини оғритди. Кимсан, Раҳмонқул Қурбоновнинг жияни! Вақтида тоғаси Совминга раис бўлган! Қўли узун, дўсти-ёри кўп! У шу кучни ишга солиб, тўнтариш қилмоқ ва бира-тўла юқорига чикмоқ истади. Кўмак истаб Москвага бош урди...

Бундай сирларни хос мулозимлар билмай қолмайди. Алимов Хайриддин билан кўз уриштирди: “*Вақт шу вақтдир, ўзга дамни дам дема!*”

Шу тариқа Нор қўчқорга<sup>6</sup> махфий топшириқ берилди. У бориб, ўрмончига учрашди, керакли маълумотларни олиб, очик савдо қилди...

Сиз билмайсиз, Нор қўчқорни!

Бунақа товламачи дунёда йўқ!

Ўзи Саиданинг<sup>7</sup> қўлида ишлайди, яна, сиз унвонга қўйилдингиз, икки минг берсангиз, тепани ҳал қиламиз, деб уни шилади. Лекин, на унвон бўлган, на “кўк қоғоз” қайтган!

Саида пулини сўрашга қўрқади. Ундан эмас, Хосиятдан!

<sup>3</sup> Алимов Темир – ўша вақт кадрлар ва ташиқлий ишлар бўйича давлат маслаҳатчиси бўлган.

<sup>4</sup> Султонов Хайриддин – давлат маслаҳатчиси, матбуот унга қарайди.

<sup>5</sup> У Қашқадарё вилояти ҳокими бўлган.

<sup>6</sup> Қўчқор Норқобил ўша вақт “Ўзбекистон овози”да ишлаган.

<sup>7</sup> Саида Йўлдошева (Саида Сайхун) – ёзувчи ва журналист, ўша кезлар “Ўзбекистон овози”да бўлим мудири бўлган.

– Бир куни телефон бўлди, – дейди у. – Сирдарёдан, университет ректори! “Опа, келсангиз, бир киринг!”, деб илтимос қилди.

Бордим. Бечора қалтирайди.

– Суриштириб билдим, Қўчқор кўлингизда ишлар экан!

– Шундай, – дедим унга.

– Чиқариб юбормасин, тагин! Бир амалларман! Илтимос, қараб туринг, опа!

– Нима гап, ўзи? Тинчликми?

– Келувди, депутат Рустамова билан!

– Хосиятми?

– Ҳа, Хосият Рустамова! Билар экансиз!..

– Хотини-ку! У депутат эмас!

– Мен кўрдим-ку, депутатлик нишонини тақиб олган! Шу илтимос қилди, манави болаларни ўтказиш керак, деб! Яна денг, бешта! “Бўлмаса, – деди Қўчқор, – фелъетон қиламан!..”

Мен ҳар қанча таскин бермай, тўғрилиқни айтмай, хавотирдан қутула олмади у ва, ахийри, унинг айтганини қилди...

Абдулла Орипов Уюшма раиси, бир куни ҳасрат қилиб қолди.

– Наманганинг ҳокими илтимос қилди, бир адабиёт байрами ўтказиб беринг, деб. Бордик. Ўтказдик. Қайтмоқчи бўлиб турсам, у киши, туя сўйиб чақирсам, келмайсиз, бир кеп қопсиз, кечқурун меҳмон бўлиб кетасиз, деб кўймади.

Мулозимини айтилган вақтга етказиб борди.

Кирсам, тўрда Хосият билан Қўчқор...

“Ҳа, энди табиий, деб ўйладим мен, Хосият наманганлик”.

Зиёфат тугагач, дастурхонга фотиҳа қилиб, кўчага чиқдик. Хайрлашаётиб, ҳоким енгимдан тортди, сал четга ўтгач: – Айтганингизни тахлаб Хосиятга бердим! – деди шивирлаб.

Юрагим орқага тортиб кетди.

– Нима у? – деб сўрадим.

– Харажатларга!

– Қанақа “харажатлар”га? Очиқ айтинг!

– “Беш минг” деган экансиз-ку?

– Ким айтди сизга? Мен ундай деганим йўқ!

– Олди, “кўк”идан!

Ё тавба-а! Ё тавба!

– Майли, кўяверинг! – деди ҳоким. – Кўнглим сезди, шунинг учун айтдим, буни! Эҳтиёт бўлинг, улардан!..

Бошқа нимаям дея олади! Эр-хотин, уч-тўрт қадам нарида, икки оёқда турган юмронқозикдай кулиб турипти, “Бопладикми?!”, деб!

Алҳазар, деб ёқа ушлайсан, халос!..

Майли, бугун Азим Суюннинг туғилган куни! У ҳақда сўз айтмоқ лозим, “лирик чекиниш” одамни чалғитади.

Аммо, шундай бўлган!

Нор кўчқор ўрмончи ҳақида мақола ёзади, саҳифаловчи билан келишиб, уни учинчи бетга қўйган ҳолда нусха олади, кейин “қаҳрамони” олдига боради.

Бу воқеа 2002 йил 29 январда бўлган.

У саҳифани ўрмончида қолдириб, 17 минг “кўк қоғоз” олиб қайтади.

Ўрмончи эса, саҳифани кўтариб Ҳамидовнинг<sup>8</sup> хузурига боради, “Бахтиёр Султонович, мана, биз ишни бошлаб юбордик! – дейди у. – Шундай-шундай!..”

Аслида, унинг ҳам, бунинг ҳам дарди бир эди. Уларни яқинлаштирган шу!

Аммо Ҳамидов кечки рейс билан Тошкентга етиб келади, Алимовга учрашиб, керакли гапни айтади ва саҳифани қолдиради!

30 январ.

Давлат раҳбарининг туғилган куни. Шу муносабат билан қутлашга кирганда, бошқалар чиқиб кетгач, Алимов Каттанинг олдига ўша саҳифани қўяди. *“Шундай-шундай! “Бунинг учун Азим Суюн 17 минг “кўк”идан олган! Қани, кўрайлик-чи, нима қилар экан?!”*

У шоирни катта “ўйин”га “тиқиб” юборади.

Ўша куни кечки пайт таҳририятга бордим. Нимага десангиз, давлат раҳбари йўл қурилиши борасида қилган ишлар ҳақида бир мақола ёзган эдим. Биринчи қисми 29 январда чиққан, давоми саҳифага қўйилган эди. Азим шуни ўқиб ўтирган экан. У жуда паришон кўринди.

– Яхши ёзибсиз, аммо, бехато чиқиши керак! Фикри-зикрим шунда! – деди у.

Мен ҳам уни ўқимокқа тушдим. Шу пайт Кўчқор кириб келди.

– Азим ака! – деди у ялтоқланиб. – Бир нима ёзувдим, шуни номерга қўйиб юборинг!

– Ҳозир хаёлим бошқа жойда! – деди Азим. – Мен ўқий, кейин!..

Кўчқор уни ҳоли-жонига қўймади. Ахийри, Азим:

– Нима ҳақда? – деб сўради.

– Ўрмончилик ҳақида, яхши гаплар, бир оғиз ҳам танқид йўқ! Кўп иш қилинган экан! Шуни ёздим! Азим ака, хўп денг, мен сўз бериб қўйганман! Илтимос!..

Азим индамади.

Сукут аломати ризо.

Жоду уни галдиратиб ётганини мен туш кўрибманми?!

Шундай қилиб, ўша сонда ўша мақола ҳам чиқди, оламга фитна солиб!..

Султонов ёзган “фожа” зўр муваффақият билан яқун топди. Алимов уни усталик билан “саҳналаштирди”.

Ва Азим Суюн “ўйинчи”га чиқиб қолди!

Ҳолбуки, у нима бўлганини билмайди, ҳатто!

Бу балодан мутлақо беҳабар!

<sup>8</sup> Ҳамидов Бахтиёр – Қашқадарё вилоятининг ўша вақтдаги ҳокими.

Албатта, сир кейин очилди, бўлар иш бўлиб, бўёғи синггач! Ўшанда эса, кимдир: “Азимниям ишдан олипти!” – деб қолди. Хайрон бўлдим. Сабабини ҳеч ким билмайди, билганлар қовоғини очмайди, илдизига етиб бориб бўлмайди! Жуда оғир, сирли бир ҳолат.

Ҳаво тунд, қора булутлар айланишади. Ҳамма ёқ бўтқа бўлиб кетган.

Билганим, уни силтаб ташлашган, ҳатто номига кузатув қилишмаган. Ҳолбуки, у жамоага ўн йил бош бўлган! Бу, масала жуда қалтис эканини билдиради. Ундан ҳам ёмони, таҳририятни прокуратура “босган!” Тинтув-текширув бошланган...

“Нима бўлди экан?”, деб эзилиб ўтирсам, телефон жиринглади.

Олсам, Ўрол Содик.

– Сиз Президентнинг ишини кўрсатиб мақола ёзипсиз! Уни чиқаргани учун Азим Суюнни ишдан олипти! – деди у. – Ҳамма шундай деяпти!

Мен шартта Султоновнинг олдига кирдим.

Салом йўк, алик йўк.

– Азимни ишдан олмоқчи экансиз, бир-икки кун сабр қилсангиз бўлмасмиди? – дедим унга зарда қилиб. – Ҳамма менга таъна қилапти, “Сен Президентни мақтаб чиққанинг учун Азим Суюнни ишдан олди, Хайриддин!”, деяпти!

У кўкариб кетди.

Беихтиёр телефонга узалди ва хос ўринбосари Мелибоевни чақирди.

– Ишлар бошқармасидан зарбоф тўн олинг! – деди унга. – Азим Суюнни чақиринг! Кузатув маросими қилинг, тўнни ёпинг, унга! Кейин “Тулистон”га обориб таништиринг!

Жоду кесилса, Чарх тескари айланади.

Бир ўйлаб кўринг-а, давлат раҳбари ундай қил, деса, Хайриддин ўзича бундай қила оладими?

Икки дунёда ҳам!

Хуллас, шундай-шундай!..

Ва ўша ҳисобдан, унга яна 17 минг “кўк қоғоз” кўшгани учун Нор кўчқор “Инсон ва қонун”га Бош муҳаррир бўлиб ўтди. Яна, масалани Абдулла Орипов ҳал қилди, Каттага кириб, деб гап ёйганини айтмайсизми?!

Ҳолбуки, бу касофат “Ўзбекистон овози”нинг “зам”лигига ўта олмаган, маҳкама қайтарган: “Контузия!” – деб!..

Ундан аввал, хизматга ишга олайлик, десам: – У афғонда контузия бўлган! Яқинлаштирманг! Шеърини ёзиб юрсин, бир четда! – деган Султоновнинг ўзи!..

Кўк қоғоз” атомдан кучли!

Сарой “ўйин”лари шундай аломат бўлади!

Калаванинг учини топгунча миянг ачиб кетади.

О-о, бу – Алимов, бу – Султонов, уларнинг совунига кир ювмабсиз, дунёга келмабсиз!

Ҳамма бало шундаки, Азим Суюн хос жойда ўтирган эди, ўша газетада сир бор, тилсим бор, ўтмишдан қолган! У жоду ўчоғи! Ва уларга шу керак эди, ўз одамани қўйиб, оқни – қора, қорани – оқ қилиш учун!



Бу – шундай газета, “Ўзбекистон овози!” Олам сиёсатига тус беради, йўналиш беради! Унинг кучини билмоқ истасангиз, айтай: “Туркистон”да ишлаган вақтим Ориф деган бир ҳайдовчи олиб юрган. У “Шарқ” концерни одами.

Яқинда у билан кўришиб қолдик. Гапдан гап чиқиб: – “Шарқ” тугапти, Омонулла ийиғини чиқариб ташлапти! – дедим. Шунда Ориф нима деди, биласизми?

– “Шарқ” тугаши учун олдин Ўзбекистон давлати тугаши керак!

У шундай деб истехзо билан ёйилиб илжайди.

Бир ҳайдовчи, бўлмаса!

Шунақа!

Яна, бир нима десанг, бола-чақангизни ўйламайсизми, дейишади, жўяли насиҳат қилишади.

“Сиз ўйлагандай эмас, ака! Бу – даҳшатли куч! Эҳтиёт бўлиш керак! Жуда дарғазаб! Қаранг, ҳаммаси амалда, яна!” – деб ғулу солишади.

Чиндан ҳам шундай.

Ким буни рад этади?

Яна бу камдек, яқинларни ишга солади, болаларнинг ўтакасини ёради. “Йиғиштириб олмайсанларми? Кошки, фалончи билан ўйнашиб бўлса! Бир кори бад қилиб қўйса, чувиллашиб қолманглар, тагин!”

Умр чувиллашиб ўтди-ку, ўзи! Яна нима “каромат” кўрсатиши мумкин, йўқлик?!

Хотин йиғлайди...

Ҳикоямиз шу ҳақда, ўзи!

**“Лекин, сиз қайтманг!”** – дейди Азим!

У шундай йигит! Юрагининг ёли бор!

Аммо, 2002 йил 31 январ куни бадкирдорлар уни силтаб ташлади. Шундай панд беришдики, унақа-бунақа эмас! Яна мўри-малахдай талашга йўл очишди. Ва уни хору забун кўрмоқ, буткул адо этмоқ учун фосиқлик қилишди, йўлига банд солиш учун кўп фисқу фасод ёйишди. Ҳатто яқин-яқингача!..

Куни кеча эди: “Азимнинг шеъри Каттага ёқмапти!” – деб юргани, Сафар Остоннинг!<sup>9</sup>

Шўрликнинг шеъри чиқмайди, ўзи! Аммо, чиқмаса ҳам ёқмайди!..

Бу зулм ва хусумат, иғво ва ёмонлик уст-устига ёққан қор каби қатланиб уни эза бошлади, лекин...

***Ғанимлар таҳқирлаб бешафқат***

***Онандан айрилдинг дедилар.***

***Тутқуннинг кўзида, бетоқат,***

***Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,***

***Қатра ёш...***

***Мағрур қолди мағрур бош!***

<sup>9</sup> Остонов Сафар – “Ўзбекистон овози”нинг амалдаги Бош муҳаррири.

*Кўз ёшлар боиси – гам, алам,  
Ёрингдан айрилдинг, дедилар.  
Кўзига боқдилар, шод-хуррам –  
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,  
Қатра ёш...  
Магрур қолди магрур бош!*

*Қасоскор хабарлар билмас ҳад,  
Ватандан айрилдинг, дедилар.  
Ва унинг кўзида сўнгги дард –  
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,  
Қатра ёш...  
Бир қалқди...  
Жон эди ўша ёш!*

Бундай вақтда, дўсту душман олдида қоматни кўтариб юриш осон бўлмайди. Бирдан кайфият тушиб кетади. Аввалги иззат-хурмат йўқ, эътибор йўқ, газета-журнал шеърингни бермайди. Ҳамма ҳадиксираб қарайди. Ҳатто яқинларинг ҳам ўлганининг кунидан сўрашади. Бундай пайтда ўламса ит ҳам сенга ташланиб қолади. Қаранг, ўшанда ҳатто Ашурали Жўраев деган исқот ҳам унга сачраган, ”Ўзбекистон овози”да! Сен кимсан, ўзи?! Ювиқсиз бир матчойи бўлсанг!

Дунёнинг куни шуларга қолган!  
Ё фалак!

Жоду аҳли бировни синдирса, хужумга зўр беради, қонини ичмоқ учун! У қанча эзилса, шунча ризқдан айрилади, шунча иши орқага кетади.

Бундан ҳам ёмони, уй ичи ғариб, ҳеч нима юракка сиғмайди, аёлингнинг шашти паст, болалар чўкиб қолган. Шунда илғайсанки, улар сенга зимдан ачиниб қараётир.

“Урилиш”, ишдан кетиш фожиа эмас, мана шу ҳол эзиб ташлайди, одамни!

Сен ҳеч ким эмассан!

Ва ҳеч кимга керагинг йўқ!

Бундан ортиқ кулфат бўлиши мумкинми, йигит учун?

– Ҳой, Фалончи! – дейдиган, кўнгил берадиган бир меҳрибон топилмайди!

Куя еган матоҳдай идраб-тўкилиб тушасан.

*Кўрдик, бор кўргулик ўтди юракдан,  
Калтак ва ўқ едик, шундай ўсдик биз.  
Шунча тубан кетди бу ёвуз Ватан,  
Болалари унинг бўлмасми ёвуз?!*

Анна Беркова айтган Ватан ёвузликнинг уяси эди. У кунпоякун бўлди ва унинг қолдиғи яшаш учун курашди. Биз унинг зарбаларига сандон каби чидаб, аслик сари интилдик.

Асфальтни ёриб чиққан гиёҳни ҳеч кўрганмисиз?

Азбаройи, у ёруғликка ташна бўлгани учун шунга интилган, ўзида куч йиғиб, сабр-тоқат ва машаққат билан тош-метинни ёриб чиққан. Дунёда ана шундай ғайритабиий кучга-салоҳиятга эга инсонлар бор.

Мен метин иродали одамларни кўп кўрганман! Уларнинг мақсад йўлидаги собитқадамлиги доим менга қанот бўлган.

Илоҳий ҳикмат ато этилган бу улуғ зотлар, қандай мақомда бўлмасин, мислсиз ишлар қилиб, одамларнинг дардига малҳам бўлишга буюрилган, аммо кўз илғамас қора куч муттасил уларни эзиб-қийнайди ва қўл-оёғини, йўлини ипсиз боғлаб ташлайди.

Такдир зарбалари ҳар қанча эзиб ташламасин, бари бир, улар йўқ бўлиб кетмайди! Ва сандон каби матонат билан туриб беради. Ҳойнаҳой, Улуғ Мавло ўзининг қудратини ва илоҳий ҳикматни кўрсатиш учун хос бир меҳр-муҳаббат билан уларни яратган! Ва беомон жангу жадал бўҳронига ташлаган. Токи мазлумнинг кунига ярасин, деб. Афтидан, Яратганнинг назари уларни тутдай тўкилиб кетишдан сақлайди.

Азим Суюнда шундай бир хислат бор, ҳикмат бор. Улуғ Мавло унинг феълини кенг қилган, сабрли қилган.

Ва ўша вазиятда хорлик ва йўқлик, олға интилишда борлик ва ифтихорлик мавжуд.

У “Эй дўст” китоби, “Ватан фасллари”даги дилбар шеърлари ва “Ўзбек давлати” достони билан ғанимлари қўйган тўсиқ ва ғовларни яна бузиб-янчиб ўтди ва ўша, йўқ бўлиб кетмайдиган салафга мансуб эканини тугал намоён этди.

Бу жабҳада у биринчи эмас...

***Қай кимсаким волидасин унутди –***

***қора ер кутибди оқибат.***

***Қай кимсаким ўз халқидан юз бурибди –***

***қора ер кутибди оқибат.***

***Қай кимсаким ҳаром-хариш айш сурибди –***

***қора ер кутибди оқибат.***

***Қай кимсаким дунёга даъво урибди –***

***қора ер кутибди оқибат.***

***Девона, унутмадинг она, улусингни***

***айш ёт, бедаъвосан дунёга***

***Ва лек нечун бўйнингда сиртмоқ турибди –***

***қора ер кутибди оқибат?!***

У “Машрабнинг сўнгги қўшиғи”да шундай ҳасратли нидо қилади.

Эй дўст! Ҳали мен айтгандек, дунёда икки тоифа, табиатан одам ва унинг зидди инсоний қиёфада яшаб келади. Ташаббусни қўлга олган

“учар”лар Иблисга таяниб, афсун билан иш кўради. Улар ўзларига буюрмаган неъматни – Одам авлоди тириклиги, ризқ-насибаси ва ҳаққи-хаётини ўзлаштириш ҳисобига яшайди. Шундай кўз илғамас ёвуз бир куч бор, дунёда. Буқаламун унинг олдида ип эша олмайди. Улар ўзгалар бахти-тахтини юлиб олиб, шу ҳисобдан, яна улардан баланд мақомда от суради.

Машрабни дорга етаклаган шу! Унга зулм қилган золим кейин унинг хаётини яшай бошлаган.

Қодирий хотирасига гўзал бир шеър ёзибсиз. Билсангиз, уям, аслида, шу юҳонинг қурбони бўлган.

Нима у – катағон деган сафсата, худди террор ёки инқилоб дегани каби масалага тус бериш, холос. Аслида, кўз илғамас оламда иш битган бўлади. Кишилар хаётидаги тўс-тўполон эса, шунинг инъикоси, холос.

*Унинг қабрини ҳеч ким билмас, дейдилар,  
Гулчамбарлар қўйғали келмас, дейдилар.  
Бу дунёдан сир бўлиб кетди-ю, аммо  
Юракларга кўмилгани сирмас, дейдилар.*

## 5.

Ҳар нарсанинг асли Сўздир. Сўзнинг асли – дил, сийрат, сийратнинг асли эса, Яратганнинг ўзи...

Ким қандай талқин қилса қилаверсин, ростлик шу, ҳақиқат шу!

Етмишинчи йиллар авлоди жуда катта даъволар билан майдонга чиқиб, интеллектуал поэзия яратаётганига урғу берган. Уларнинг аксарияти шоирдан кўра нотикқа, кўзбойлағичга ўхшар эди.

Мана, орадан йиллар ўтиб, ҳақиқатнинг юзидаги парда кўтарила бошлади, қарабсизки, ўша вақт кўзни камаштирган ялтироқ ва жарангдор хитоблар ранги-тусини йўқотиб, асл шеър яна аслигича қолди.

*Ангиз ўсган ерларда отлар бевақт ўлмагай,  
Яхши бўлса аёллар эрлар юзи сўлмагай.  
Қайси юртда чинакам ботир бўлса йигитлар,  
Ўшал юртнинг эллари ёвларга қул бўлмагай.*

*От минмаган от минса, чопа-чопа ўлдирар,  
Боз кўрмаган боз кўрса, пайҳон қилар, сўлдирар.  
Ҳушёр бўлгил, жон элим, элдай сақла элингни,  
Ёвларингга йўл берсанг, поймонангни тўлдирар.*

*Бош кесилса, ёронлар, сочга мотам тутилмас,  
Қон қусилса, ёронлар, ичга сувдек ютилмас.  
Қай бир миллат тупрогин топтар экан маккор ёв,  
Ўзлигин билганларнинг бахти асло бутунмас!*

*Арғумоғларга мининг,*

**Ғолиб қилич ёр бўлсин!**  
**Бу дунёда ҳар кимнинг**  
**ўз Ватани бор бўлсин!**

6.

Азим Суюн шеърляти шундай бир гулшанки, унда йилнинг тўрт фаслини кўриш мумкин, у камалак жилоси янглиғ хаёлга каманд ташлайди ва шикаста кўнгилга ошуфталик бағишлайди.

Сиз бепоён дашту далага уйғоқлик бағишлаб, хур-хур эсаётган сафоли еллардан ҳеч баҳра олганмисиз? У жонингизга ором-фароғат бағишлайди, руҳингизни аллалаб ўтиб, маст ва сархуш қилади.

Чинакам шеър шундай ҳаётбахш таровати билан хушдир, сафодир.

Мен гоҳо ҳорғин ишдан қайтар эканман, ёлғиз бўлсам агар, шундай ўйларга мойиллик сезаман ва шунда Абдулла Орипов ёки Жамол Камол, Рауф Парфи ёки Йўлдош Эшбек, Усмон Кўчқор ёки Баҳром Рўзимухаммаднинг ошно шеърлари хаёлимда айланади, кўнглимга юпанч ва ёруғлик бағишлайди.

**Кўкданми, гайбдан садолар келур,**  
**Олис диёрлардан нидолар келур,**  
**Гоҳ қийқирик, гоҳи видолар келур,**  
**Гоҳ саркаш, гоҳ сарин саболар келур,**  
**Навоийдан ўтли наволар келур;**  
**Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!..**

Қаранг, қандай ўтли, ғамли-ғуссали бу нафас, интиқликка тўла. Уни лоқайд ўқиб бўлмайди, шеърнинг тошқин ва юқумли руҳи, истайсизми-йўқми, сизни асир этиб, ўз комига тортиб кетади.

Бундай асарлар челақлаб ёққан жаладан сўнг айқириб-тошиб келган шиддатли селга ўхшайди.

Тоғда бундай ҳодиса кўп бўлади.

Хафақон булутлар бирдан қовоқ уюб уймалашади, ёруғликни тўсиб олиб, тўлғоқ тутган келинчак каби кўрқинч солади, момоқалди роқ қасирлаб, осмон “ёрилиб” кетади, ер ларзага келади, шундан сўнг челақлаб жала қуяди, сой айқириб тошади, қутурган сел ўз ишини қилиб ўтади. Буни кўриб, шикаст етмаганига шукр қилсан, бу оламда бир хасчалик ҳолинг йўқ эканини ҳис этасан. Ҳалигина тус-тўполон бўлган олам сув қуйгандай бирдан жимиб қолади. Булутлар ўз ишини қилган безори болалардай ими-жимиди сочилиб кетади. Осмон очилиб, қуёш чарақлаб чиқади. Ипакдек майин ҳаво оламга сафо бағишлаб, жисму жонингни аллалай бошлайди. Шундан хурсанд бўласан. Тошдан-тошга урилиб, шовқин солиб оқаётган сой кўнглимга ғулу солади, намхуш соҳил сари имлайди.

**Шарқираган сойда бир сўнмас чўгдай,**  
**Қалқиб оқиб борар ёлғизгина гул.**

**Қилган гуноҳларин ювмоқчи мўғдай,  
Тўлқинлар топинар, бепарводир ул.  
Ким отди?  
Не учун?  
Ростдан ҳам гулми –  
Юракни юракка қилолган пайванд?  
Ё пайванд қилолмай, гамли, аламли,  
Оқиб бораётган ёниқ муҳаббат?**

Пушкин кайфиятига мойиллик бор, бу шеърда.

Азим Суюннинг аксарият шеърлари мана шу руҳга-хислатга эга, ўйчан ва маънос, дилгир ва ҳасратли, шу боис кўнгилни ўртаб кетади ва хаёл уммонига ғарқ қилади. Шунда беихтиёр маҳзун ўйлар чулғаб олади, ўтган кунлар, ўзинг кўрган-билган одамлар ва уларнинг тақдири, муҳаббат деган оташ-аланга ва унинг армонга айланиши, турмуш ташвишлари, у дунё ва бу дунё ҳақида сокин хаёлга толасан.

Пушкин ҳам китоб қатида қуриган гулни кўриб, шундай ўйларга берилади. Уни ким ва қачон узган? Танишми, нотанишми? Бу, унутилмас бир висол эсдалигимиз ёки айрилиқ ёдгори?

**Тирикмикан йигит, тирикмикан қиз?  
Шу пайтда уларнинг қайда гўшаси?  
Ёки шу қуриган – сўлгин, белгисиз  
Гул каби сўлдими ҳар иккаласи?**

Абдулла Ориповнинг “Эслаш”ида ҳам шунга ўхшаш кечинма. Шоир ҳар тонг илк баҳор селидай тошиб ўтган бир қизни эсга олади. Бу, бир вақтлар бўлган. Аммо ўшанда:

**Мен дердим, бу қизнинг қайда гўшаси?  
Йўлларида унинг кимдир зормикан?  
О, у севгисидан бахтиёрмикан  
Ва ё манзилида хазон тўшаги?**

Қаранг, қалқиб-оқиб бораётган ўша чўғдай гул хаёлни қаёқларга олиб учеди? Ва қандай қилиб?

Бу хислат ҳаммага ҳам насиб этмайди!

Бу – тириклик нафаси!

Нозиктаъб шоирга хос инжа кечинма!

У ҳаммани ўйчан, фикрчан, таъсирчан бўлишга ундайди, ҳатто тош юракларни ҳам!

Инсон қалби шундай титроқни ҳис этса, одамлар чумолига ҳам озор бермас эди. Олам меҳрга чайилиб кетарди.

**Қайдасан, қалбимни тирнаган сўроқ,**

***Қайдасан, илҳом бахш айлаган онлар?  
Қайдасан, мен сени унутгим келмас,  
Умр йўлларимнинг тотли дамлари?..***

Чинакам шоир мана шу хислати билан ҳаммадан ажралиб туради. У инсоний кечинманинг ҳеч ким илғамаган, ҳали кўз изи тушмаган маъсум ғунчасини бор оҳори-жозибаси билан кўрсатади, сизга! Ва ҳолингизда ўша кечинмани кўзғаб, тириклик тотидан баҳраманд этади.

Шу шеър бўлмаса, шу тансиқ кечинмадан, шу ўйлардан бенасиб ўтар эдик.

Афсуски, XX асрнинг охирига келиб, бундай кечинмага мойиллик ҳам, уни уйғота олиш санъати ҳам ғоят тақчиллашди. Долғали замон бўҳрони санъат ва одабийликка соя ташлади. Эзгулик ва Ёвузлик ўртасидаги кураш ҳал қилувчи босқичга чиқди.

Темир танлар ҳар ишда жиловни қўлга оламан деб асликка заҳа етказди.

Кимга керак уларнинг ясама гуллари?!

“Ҳай-ҳай!”, демасанг, оламни бузиб ташлайди, бу – касофатлар!

Қоралик юракни қон қилиб юборган кезларда, ойдинликка, меҳр-мурувватга, унга чайилган бир жонбахш шеърга ташна бўлиб кетган оз эмас! Мен ҳам шулар қаторидаман. Нимага десангиз, чинакам санъаткорнинг ўтли-бокира нафаси тегиши билан малъун ёқангдан қўлини олади ва ўша, асли тоза бўлган нафас баҳорнинг беғубор насими каби кўнгилни очиб юборади.

Энтикиб нафас оласан!

*“Биласизми, амаки, бу оламда шундай бир қиз бор: Ольга Мишерская, жуда гўзал у!..”* – Бирдан шу хитоб хаёлдан ўтади.

У ким?

Кимга хитоб қилаяпти?

Ва нега?

Ким ёзган уни?

Ва қачон?

Қаерда?

Ва кимга атаб?

Адашмасам, Бунинг...

Аммо, бунинг нима аҳамияти бор?

Муҳими, у яшаб келмоқда! Бу қайноқ нафасда ғам-ғуссани пардек тўзғитиб, армонли хотира ва тотли хаёлларга ғарқ этувчи куч бор, олов бор, тириклик суви бор!

Ҳаммада ҳам шундай ҳолат бўлади-ку, ахир!

Бирдан ҳаммасини унутасан! Кўнглингга уриб кетган ўлик сиёқларни ҳам! Ва ўзинг билан ўзинг қоласан!

Бу ўтли нафас ҳолингни ислоҳ этдимиз, билгинки, қачондир шу ҳолни юракдан ўтказгансан ва шу армон жонингда бош кўтармоқда. Одам авлоди учун ўзи йўқотган нарсачалик, қайтмас бўлиб кетган муҳаббатчалик ўртовчи кечинма борми, бу оламда?!

Азим Суюннинг ишқу вафо ардоқланган шеърлари шундай кечинма кўзгайди, улар булоқ суви янглиқ руҳингга сингиб киради ва туйғуларингни чайиб ўтади, шунда жонинг орзиқиб кетади, маҳзун ва ғуссали ўйлар гирдобига ғарқ бўласан.

Инсоний руҳият иқлимлари бир суврат янглиғ, бир мумтоз наво янглиғ, хатто ундан ҳам мукаммал тарзда шеърда, бадиият ва санъатда муҳрланиб қолмаганида ва унга Яратган абадият муҳрини босмаганида, кишилик жамияти қанчадан-қанча ноёб ва бебаҳо маънавий-руҳий бойлигини йўқотган бўлар эди.

Улар Эзгулик яловбардори.

Абадият муҳри босилган шеър – тириклик суви янглиғ. Ёки бўлмаса, тириклик сувига чайиб ёзилган асаргина яшаб қолади.

Бунинг учун шоирнинг палаги тоза ва асл бўлиши керак.

Қолган барчаси арзимас гаплардир.

Афсун билан ҳеч нимага эришиб бўлмайди.

У – йўқ нарса.

У куч берган замон ўтди...

Ҳали мен айтган шоирлар шеърляти шундай хислатга эга. Соҳир ва бокира, қудратли ва таъсирчан, нимага десангиз, улар иймон нурига чайилган, оламнинг чаккасига тақилган анвойи чечаклар кабидир.

Дунёга яхшилик тилаган оҳанглар умрбоқий бўлади.

Санъатнинг кучи-қудрати шунда.

Шоир Тўра Мирзо Москвада ўтган бир шеърят оқшомини айтиб берган. Унда етмишинчи йиллар шоирлари иштирок этган. Нимадир бўлиб, Азим Суюннинг таржимони адабий кечага етиб келмаган. Аксига олиб, шоирнинг қўлида ҳам бирон-бир шеъри таржимаси йўқ.

– Ниҳоят, навбат Азим Суюнга етиб келди, – дейди Тўра Мирзо. – У минбарга чиқиб боргунча терга ғарқ бўлди, кейин юз-кўзини артиб, бир зум тин олди ва она тилида ёниб шеър ўқиди! Ўқигандаям, шундай ўқидики, бутун зални чулғаб олди. У шеърини якунлаб, эътиборингиз учун раҳмат, деб минбардан тушаётганида ўтирганлар ўзига келди. Ва гулдирос қарсақ бошланди. Шеърхонлар лол бўлиб, унга маҳлиё бўлиб қолган эди!

Азим Суюн шундай оташнафас шоир. Ва унинг нафаси шеърга маҳлиё ҳар бир юракка етиб боради, худди чакмоқ каби!

7.

Ҳали шоирнинг “Қодир овчи ўлими” шеърини эсга олдик. Кучли ва хароратли бу асар фавқулудда шиддат билан бошланади, юракни ларзага солиб, оддий-одатий кўникмаларни бузиб ўтади.

*Кес-сак бўлиб кетаяпти,*

*Қўлларимни уқала...*

Қодир овчи ўлим тўшагида. Лекин, у сўнгги лаҳзада ҳам хорлик ва чорасизликка чидай олмайди.



***Бургут менинг аждодим –  
Ерда нима, бойланиб?!***

У бургут сўнгги дамида беқиёс юксакликка кўтарилиб, сўнг ўзини қояга уришини таъкидлайди. Ва қисматига шундай якун ясайди.

Бу – куфру исён эмас!

Бу ўша даврнинг зидди!

Ўша иқлимга ҳадд уриш – жасоратни улуғлаш, демак.

***Бургут менинг аждодим,  
Ўлим деган нима гап?  
Йўқ, йўқ, менинг авлодим  
Ётмас ҳеч қачон титраб!..***

Бу – шеър.

У хаёлга каманд ташлайди. Чекланган ва тескари ўзанга солиб кўйилган ҳаёт тарзини титиб-тўзғитиб, исканжа ва таъбуларни бузиб-парчалаб юборади. Ва қаддингни кўтариб, юлдузни кўзлаб, юксакликка кўтарилиб яшашга ундайди, Абдулла Орипов хитоб этгани каби:

***Юксакларда чарх уриб айлан,  
Рухинг мангу турсин ёришиб.  
Ўлганда ҳам вужудинг билан,  
Кетмагайсан ерга қоришиб.***

Мана шу руҳдаги асарлар заифликка, мўтеликка нафрат уйғотиб, Озодликка чанқоқлик кўзгайди. Бир ўт каби жисми-жонингда сўниб бораётган ҳиссиётни аланга олдиради.

Инсонни бир инсондай, миллатни бир миллатдай мағрур бош кўтариб яшашга ундайди...

Шеърят ёлқинли нафаси ва тириклик саси билан боқий ва беқиёсдир. У руҳни бедор ва безовта этади, муқаддас туйғуларни, олий туйғуларни кўзгаб яшнатиб юборади.

Шоирнинг илоҳий нафаси кезган жойда ғафлат ва хусумат, кирлик ва бадкирдорлик бўлмайди. У шунинг учун шеър ёзади.

Юракдан отилиб чиққан шеър жаннат боғларининг ҳурлари кабидир, шунинг учун одамлар унга махлиё бўлади, шунинг учун шоирларни севиб-эъзозлаб яшайди. Шунинг учун биз Байронни ёд этамиз, Румийни қўлдан кўймаймиз, Навоийга ҳавас қиламиз...

Мумтоз шоиримиз Абдулла Орипов: “*Азим Суюн дунёсига бир назар солайлик, – деб мираат қилади. – У қандай ўй билан яшаётир ва қандай шеър ёзаётир?*

*Азим Суюн шеърятида Ватанимизнинг тенгсиз ва беқиёс чиройи ўзининг жозибали ифодасини топган, она тилимизнинг мафтункор*

латофати ва сеҳрли қудрати унда мужассам. Ҳар биримиз учун жондан азиз бўлган урф-одатимиз, халқимизнинг ҳеч бир миллат, ҳеч бир эл-улусда бўлмаган хислат ва фазилятлари, жуда баланд хулқ-атвори унда ўз жилосини топгандир.

Шоир киндик қони томган она Ватанини битмас-туганмас бир муҳаббат билан севиб-ардоқлайди. Дўсти-ҳабиби билан, устоз Миртемир каби, халқнинг ўзидай содда, халқнинг ўзидай самимий тилда суҳбат қилади.

Шоирнинг юрагида бир асов тугён бор. Бу тугён ҳеч қачон сарҳад ва чекланиш билмайди. Ва унинг ҳар бир зарби-тўлқини жавоҳир янглиз ноёб ва бебаҳо ҳикматни соҳилга олиб чиқади.

Халқимизнинг азим ва ўктам шоири Азим Суюн садоқатли дўст, ишончли сафдош ва забардаст сиймодир. У Мустақиллик майдони ҳақида муҳташам бир дoston ёзиб, она юртимизга аслик қайтаётганини баланд овозда таъкидлаб айтди. Дунёдаги ҳеч бир ёдгорликга ўхшамаган, яшиллик билан уйғунлашиб кетган бу мумтоз меъморий обида чинакам илоҳий зиёратгоҳ бўлиб, озодлигимиз ва давлатчилигимиз рамзи-тимсоли эканини бор овозда айтиб улуғлади. Жон томири шу мўътабар заминга боғланиб кетган улкан шоиргина эзгулик ва гўзалликда мана шундай теран ва умрибоқий ҳикмат кўради”.

**Улуғлар йўл бошлайди!  
Йўл бошлайди Асл Сийрат ва Суврат!  
Улуғлари бўлсин Ватаннинг,  
Давлатнинг,  
Миллатнинг!**

**Улуғларсиз харобадир Юрт!  
Хонавайрон Замин!  
Бошсиз ҳайкал!  
Озод ва Обод Юрт қолур улуғлардан!  
Авлод қолур,  
Шажара қолур,  
Мумтоз обидалар,  
Кўшиқлар,  
Байрамлар қолур.  
Жасорат,**

**Савоб қолур улардан!** – деб ёзади Азим Суюн “Ўзбек давлати” достонида.

Асар сиёсий мавзуда.

Мустақиллик майдони, ундаги кўркам обидалар, унда силқиб турган меҳр-муҳаббат ёлқинида Асиллик ва Озодлик улуғланган.

У Ватанга арзи ихлос ифодаси.

Киндик қони томган заминни онам, синглим ва ёки ёрим деб билмоқ ва ота-бобом хоки поки деб гардини кўзга суртмоқ, ҳар бир заррасида ўзини, орзу-ҳавасини ва интилишини кўрмоқ, уни севиб-ардоқламоқ ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Бу бир саодатдир.

Буни билган билади, билмаган ўзига махлиё бўлиб ўтаверади.

Шу маънода, Азим Суюн яхши ният билан ерга уруғ қадаётган заҳматкашга ўхшайди.

Катта бобоси Одам Атодан мерос бўлиб қолган бу эзгу амал ҳеч бир одамга ҳеч вақт панд берган эмас. У сочган ҳар бир уруғ ҳовуч-ҳовуч дон бўлади, хирмон бўлади, ризку насиба бўлади.

Азим Суюннинг хирмони ҳам, оғушида ўзи туғилиб ўсган пурвикор тоғлар каби кўкка бўй чўзиб, юксалиб, бамисоли тиллодек товланиб турса, не ажаб!

*Яратган Эгамнинг йўриги – ёрлик;  
Офтоб Замин узра гулхан ёқади.  
Дарёга айланиб, тоғдаги қорлик,  
Чегара нелигин билмай оқади.*

*Баландназар қушлар, о, озод қушлар,  
Кўрдим: хур-хур, эркин-эркин кўчади.  
Бугун Фарбда, эртан Машиқда қишлар –  
Чегара нелигин билмай учади.*

*Сарҳад не – билмайди митти болари,  
Бол йиғар дунёда бор чечаклардан.  
...Кўкларга ўрлайди юрагим зори –  
Одамзод яратган Чегаралардан.*

Ҳар сафар Азим Суюннинг “Чегара билмас шеър”ини ўқиганда, дунёни у бошидан кириб, бу бошидан чиқаман, у менинг юрагимда бир олам ўй-кечинма кўзгайди. Эҳтимол, мазкур ҳикояга ҳам аслида шу нидо сабаб бўлгандир. Эҳтимол, унинг қуйидаги чорлови:

*Ҳайҳот, бундай эл кўрмадим,  
Бир-бирин ковлашиб, ерлар.  
Ўх, ботириш, қайдасан?!*

Азим Суюн ўзимизники! Қолаверса, ҳар қандай юкни кўтара олади. Шунинг учун унинг баҳонасида юрагимни ўртаб ётган бир ҳасратни охиригача айтмоқчиман.

Эй дўст, сиз нимани билар эдингиз!

Боғу боғчаларда хазон ўйнаган шу кунларда ўликлар ўз йўли билан, тириклар ўз йўли билан, ёмонлар ўз ёмонлигига, яхшилар ўз яхшилигига етиб бормоқда.

Қуёшнинг тафти қайтгач, изсиз кетган сароб янглиғ зулмат қаърига сингиб бораётган бўлса-да, сиз билган ўша муртадлар хонумони, болачақасини эмас, балки ҳамон ўзгаларга зулм қилмоқни ўйлайди.

Тириклар ҳам зулмат қаъридан чиқаётир.  
Дунёда неки иш бор, ниятга яраша бўлгай!..

Мен бир ғарибу бечора ўша, япроқдек бола билан зулмат ва зиё салтанатининг коқ ўртасида турибман, кўлимда у тутқазган қирқ газлик олмос шамшир.

Эҳтиёт бўлинг, эй дўст!

Сиз бу шамшир нима эканини қаёқдан билар эдингиз!

Бир даюс “ўйин” қилганида, унга айтдим:

– Эй ҳаёсиз, менинг шамширимни олиб, ҳадд урганинг нимаси? Сен уни сермашга ярайсан, холос. Аммо мен уни шундай ўйнатаманки, ҳатто белингни кесиб ўтгач, амалиннга маст бўлиб, йўлингга давом этасан, токи вақти-соати келиб, оёғинг осмондан бўлиб тушмагунча ва тарикдек тирқираб кетмагунча!..

Яратган зот айтадики: – *Мендан кўрқинглар, эй ақли расолар!..*  
*Ҳузуримда жам бўладиган Қиёмат кунидан кўрқинглар!*

Одам авлоди мана шу Кун ва мана шу Сония учун яшайди, аслида!

Шуни унутманг!

Нима у – урхо-ур, мулки давлатлар!

Кунига ярайдими – наинки у дунёда, ҳатто шу дунёда – олтин юлдузлар?!.

Муҳаммад алайҳиссалом авлодини ёд этганим учун, бир тарих хаёлдан нари кетмайди, сира!

Ўша, золим Язиднинг отаси – Муовия, унинг отаси эса, Абу Суфён бўлган. Ва у Расулulloҳ замонида яшаб ўтган. Худдики, Эркин Воҳидов ёки Салай Мадаминов каби шеър-ғазал ёзган.

Дўстингиз Ҳаким хон, эҳ-хэ, бу мақомга яқин йўлай олмайди, хонатласдек товланган сеҳр-жодуга иркит ямоқ бўлиб қолади. Нимага десангиз, у ҳам Кўчим каби дўст бўлиб кўриниш ва мол-дунё йиғиш учун борки кучни бу ёққа ташлаган. Аслида ҳаммасининг зоти бир, амали ва илдизи бир, худдики Язид билан Муовия ва Абу Суфён каби...

Усмон Азим:

– *Биз параллел чизиқлармиз,*

*Кесишмаймиз ҳеч қачон,* – деб фиरोқ қилади, холи-жонимга қўймайди, сира.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бу – нима дегани?

Қаранг, бир мўлтони, *параллел чизиқман* деб даъво қилади!

Оёқ остида ўралашади, айғирга ўхшаб кетини тутади! Ахийри кесиб юбордим, ўша “параллел чизиқ”ни! Аммо нима бўлганини билмайди, хали!

Шундай экан-да, дунёнинг иши!

Нима қилай?!.

Ўша Абу Суфён ҳам аввал-охир Расулulloҳ ризқу насибасига ёпишиб яшаган, Унга ва энди оёққа туриб келаётган Исломга қарши мутгасил курашган, беадад қон тўккан! Қаранг, яна тарихга у қандай таъриф-тавсиф билан кирган! Эмишки, саййид! Эмишки, Икки олам сарвари билан бир оилада униб-ўсган!..

Мен сизга ҳайрон қоламан: Ҳақим Саъдулладан ўқсиб юрасиз! Тарихни билмоқ, ўрганмоқ керак! Ҳақиқат қат-қат парда ичида! Уни илғаш осон эмас!  
У ким бўпти сизга?  
Нима бўлипти!  
Етти ёт бегона!  
Бир итирқин, валади зино!  
Диндан қайтган муртад!  
Унутманг, шоир айтгани каби, *Ҳар учраган эшон-у, ҳар саллалик тир эмас!*

Ҳамон “хон”ман, “эшон”ман деб юрган, уялмай-нетмай “хўжа”лик ва “сайид”ликни даъво қилган аҳл, нима, сизнингча, имом Зайн ал-Обидин бинни имом Ҳусайн авлодими?!

Мен айтдим-ку, Язид Расулуллоҳ оила ичини тўлиқ қиличдан ўтказган, деб!

Шунча аслзода имом Зайдан кўпайган, деб ўйлайсизми?

Хато қиласиз!

Нима, сизнингча, Расулуллоҳ авлодини қиличдан ўтказган Язид ёки унинг отаси Муовия, ёки бўлмаса, Абу Суфён аслзода бўладими, сайид ё хўжа бўладими?!

Бу жуда ғалати тарих. Биласиз, Ҳошим билан Уммия Абду Маннофнинг ўғли! Улар эгизак бўлган, ҳатто орқаси бир-бирига ёпишиб туғилган. *“Расул алайҳиссаломнинг тўртунчи отаси Абди Маннофнинг эгиз ўғли бўлди, орқалари ёпишук, – деб хабар беради Рабғузий. – “Муни нетак қилгу?”, теб кенгаиш қилдилар”*<sup>10</sup>. Ҳақимлар узоқ маслаҳат қилиб, биридан воз кечмаса бўлмайди, соябон остида жой ҳозирлаб, бирини кўмса, кечгача эт этдан ажралади, дейди. Шунда Абду Манноф жаҳл билан эгизаклар орасига қилич солади. Уларнинг орқаси жикқа гўшт бўлса-да, иккиси ҳам омон қолади...

Ҳолбуки, ҳақимлар ризққа ишора қилган! Болаларнинг бирида ризқ йўқ, демокчи бўлган!

Абду Маннофнинг машъум хатоси асл насли бошига бало орттирган!

Муҳаммад алайҳиссалом хошимийлар, Абу Суфён эса, уммавийлар шажараси давомчисидир! Шу боис, Абу Суфён ҳақида гап очилса, билганлар ҳам, билмаганлар ҳам, авлиёю уламолар ҳам оғир сукут сақлайди.

Кўрдингизми, бу қандай бало!

Абу Суфён Расулуллоҳга қарши охиригача курашган. Макка фатҳида у асир тушган. Ўлим хавф солгач, яна қиёматлик қариндошларни ўртага қўйиб, тавба қилиб, калима келтирган ва жон сақлаган.

Маълумки, Исломга дили илитилсин дейилган ёвлар қатори Абу Суфён ҳам зикр этилган. Ва ўлжа тақсимотида у Расули акрамдан беҳисоб ҳадя, ҳам бунинг устига, хос маош олиб келган. Шу тариқа у катта мол-мулк орттирган, ўғли Муовия эса, Шом ҳукмдори этиб тайинланган.

Бунинг бари Расулуллоҳ шарофати билан бўлган, албатта. Ва шу ҳимматга қандай жавоб қилган, улар? Уммавийлар!..

<sup>10</sup> Носируддин Рабғузий. “Қисаси Рабғузий”, Тошкент, “Ёзувчи”, 1991 йил, 2-китоб, 205-бет.

Бу – бир тарих.

Уни билмай туриб, Ҳақиқатнинг илдизига етиш қийин!

Шу боис, бу ҳақда гап очдим.

Аммо мен айтмоқчи бўлган воқеа бу эмас! Гап шундаки, Тоиф қалъаси қўлга олингач, Абу Суфён хаддидан ошиб, ҳам ўзи, ҳам ўғли, ҳам набираси учун ҳақ даъво қилади. Гарчи улар қамалда қатнашмаган бўлса-да! Ва уч юз туя тортиқ олади.

Тасаввур қилинг: ҳар бир туя баҳоси бир “Матиз”дан кам бўлмаган!

У каби дили Исломга илитилсин деган ҳар қайси ғанимга Расули акрам юзлаб туя ҳадя этади.

Кўраяпсизми, қўлга олинган ўлжа фақат уларга бўлиб берилади. Ҳолбуки, улар йигирма йил давомида Сарвари оламга ёвлиқ-золимлик қилган! Уни сеҳргарга чиқариб, ўлдирамиз, деб изидан тушган. Ҳаққа-ҳақиқатга қарши курашган!

Шунинг учун Муҳаммад Мустафонинг бу ҳиммат-марҳамати ансорларни ўкситади. Ва улар: *“Қавмининг, қабиласининг севгиси Расулуллоҳни маҳлиё этди”, “Бу – Яратганнинг ризолиги бўлмаган бир тақсимотдур”,* – деб гина-кудурат қилади.

Шунда Ҳазраж қабиласи оқсоқоли Саъд ибн Убода ансорлар даъвосини Сарвари оламга етказди.

Тақсимот яқун топгач, Расули акрам ансорларни бир чинор остига йиғади. Ва:

– Ортимдан маломат қилганингиз нимаси? – деб ўкинади. – Адашиб юрганингизда мен сизни топмадимми? Ва Раббул оламийн элчиси шарофати билан ҳақ йўлга юрмадингизми?

– Ё Расулуллоҳ, Мавло ҳақи, Оллоҳ таолонинг ва Сизнинг марҳаматингиз билан шундай бўлди!

– Мен сизни учратганда оч-наҳор эмасмидингиз? Эй ансорлар! Қани, айтинг, Оламларни Яратган зот ўз Элчиси шарофати билан сизни бой ва беҳожат қилмадимми?!

– Валлоҳи, Оллоҳнинг ва Расулининг фазлу карами билан шундай бўлди!

– Жоҳил ва бадбин, бир-бирингизга ғаним ва ёв эдингиз! Мен сабаб бўлиб, Яратган сизни бир-бирингизга меҳрли-оқибатли қилмадимми?

– Мавло ҳақи, Оллоҳ таоло ва Унинг Элчиси шарофати билан шундай бўлди, ё Расулуллоҳ!

Расули акрам мутаассир бўлиб бошини кўтаради ва уларга юзланади. Ва айтади:

– Нега индамайсиз? Ҳақингиз бор бўлган ростликни айтмайсизми?

– Нима дейлик, эй Набийуллоҳ?

– Мавло ҳақи, *“Сен ўз қавминг томонидан сеҳргарга чиқарилдинг ва қувилдинг! Биз эса, Сенга ва Исломга шондик ва қучоқ очиб сени бағримизга олдик, таважжух ила Яратганнинг йўлини тутдик!”*

*Сен ҳақир ва паришон бир ҳолда эдинг, биз ҳақ Расул эканингга иймон келтирдик ва сени қувватладик, сидқидилдан нажот бердик, ҳаттоки жсон аямадик!*” – дейишга ҳаққингиз бор-ку!

Эй ансорлар, Исломга дили илисин деб уларга дунё молини бериб, сизга ўз динингизни ҳавола этганим кўнглингизга оғир ботдими?

Улар қўй ва туя суруви билан бу жойдан айрилар экан, сиз Оламга яхшилик бўлмиш Яратганнинг Элчиси билан уйингизга қайтишга рози эмасмисиз?

Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, агар ҳижрат бўлмаса, ўзим ҳам ансорлардан бири бўлиб қолар эдим.

Агар, дунёдаги борки одам бир манзилга талпинса, ансорлар ўзга бир манзилни афзал билса ва шу йўлни тутса, ҳеч шубҳасиз, мен ҳам уларга эргашган бўлар эдим!

Ҳаётим – сизнинг ҳаётингиз, ўлимим – сизнинг ўлимингиздир!..

Дунёда шундай ишлар бўлиб ўтган, Мулла Азим!

Ва ўшанда юракдан силққан нидо Ислом аҳлини ҳам нақ иккига бўлиб юборган.

Бундай бўлиниш ҳар қайси халқ ва ҳар бир миллатда бор. Ва бу узок тарих...

Кечмиш шундай бўлган! Ва ҳар қайси оқим ўз йўлида ҳамон давом этади...

Хабар шундайки, икки олам Сарвари, айни шу лаҳзада ҳам, сиз кабилар бош устида, худди ўшанда бўлгани каби нидо қилаётир...

Яна ривоятнинг давомига қайтсак. Зеро, унда буюк бир ҳикмат яширин. *“Ҳошимнинг ўғли бўлди Абдул Муталлиб отлиг. Абдул Муталлибнинг ўғли бўлди Абу Толиб отлиг. Абу Толибнинг ўғли бўлди Али отлиг. Алининг ўғли бўлди Ҳусайн отлиг.*

*Уммиянинг ўғли бўлди Ҳарс отлиг. Ҳарснинг ўғли бўлди Суфён отлиг. Суфённинг ўғли бўлди Муовия отлиг. Муовиянинг ўғли бўлди Язид отлиг.*

*Ул кун Абди Манноф ул икки ўғлон орасига қилич кигурди. Тирик боринча Ҳошимли Уммияли аро қилич эрди. Яна Абдул Муталлибли, Ҳарсли аро қилич эрди. Яна Ҳусайнли, Язидли аро қилич эрди. Асли адоват бу эрди”<sup>11</sup>,* – деб хабар беради Носируддин Рабғузий.

680 йили Язиднинг йигирма икки минг қўшини Имом Ҳусайнни, у билан бирга, Расули акрамнинг оила ичини, жами саксон икки нафар муборак зотни Карбало даштида исканжага олади ва уч кун ташналикда тутиб, кейин қиличдан ўтказади.

Имом Ҳусайннинг қонли боши асъасаю дабдаба билан Дамашққа олиб келинади ва тилла лаганга солиб, ҳукмдорга инъом этилади.

Шундан сўнг Язид виқор ва дабдаба билан буни нишонламоққа, буюк салтанатга мос ва мувофиқ тантана қилмоққа ва шароб ичмоққа бошлайди.

Шу алфозда ўттиз тўққиз кун шоду хуррамлик ва байрам билан ўтади. қирқинчи куни у хушёр тортади. *“Вақтики, Ҳазрат имомнинг бошларини*

<sup>11</sup> Носируддин Рабғузий. “Қисаси Рабғузий”, Тошкент, “Ёзувчи”, 1991 йил, 2-китоб, 205-бет.

қўрди, бир ваҳшат пайдо бўлди”, деб ёзади Рабғузий. Қилган ишим тўғри бўлдими, ёки нотўғрими, деб ўйлаб қолади у.

Ҳар бир кас вақти-соати келиб, шундай ўйга толиши муқаррар, ҳар канча ёвуз ва қонхўр бўлмасин!

Дунё ҳаёти шундай!

Шунинг учун мен айтаманки, одам маймундан тарқаган эмас! Агар, шундай бўлса, ўша қонхўр вақти келиб қилмиши олдида масъул бўлмас эди!

Дунёнинг Эгаси, Сўровчиси бор.

Ундан қочиб қутулиб бўлмайди!

Сиз нима деб ўйлаяпсиз?

Ўн саккиз минг олам бор.

Яна шундай ўнта коинот мавжуд. Ва ҳар қайсининг ўз Ойи, ўз Қуёши ва ўн саккиз минг олами бор! Аммо, Яратганнинг ғазабига учраган бадбахт учи-қуйруғи йўқ шу дунёга сиғмайди!

Олам тор бўлиб қолади, унга!

Ана шундай тангу тор вазиятда Язид қилмишидан фол очмоқ истайди. Усмон Қуръонини кўлга олиб, кўнгли тилаган саҳифани очиб, кўнгли буюрган ояти каримага шаҳодат бармоғини босади. Ва ўқиб кўрса, “*(Сўнгра расуллар Яратгандан) мадад тилади, оқибатда саркаш ва золим кимсалар ноумид бўлди*”, деган ояти карима чиқади.

Кўнгли ғаш бўлиб, яна базмга қайтади. Кун ярим бўлганда яна ичи қизийди. Худдики, ангашилмовчилик бўлган. Худдики, яна фол очса, кўнгли тилаган ҳақиқат рўёбга чиқади. У бориб яна фол очди. Ва яна шу ояти карима йўлини тўсади. Пешинга томон тоқати тоқ бўлиб, яна Қуръонга ёпишади, бахтга қарши яна ўша оят тақдирига ишорат қилади. Алал-оқибат, у асабий ҳолда, Мусҳафни айлантириб ерга уради. Ва оёғи остига олиб тепади. Ва айтадики, нима, сен мени ўз Раббинг билан кўрқитмоқчимисан? Ўша, Қиёмат куни чин бўлса агар, ўша кун айт Раббингга, Язид мени хор қилди деб, тепкилади, деб! Керак бўлса, менинг ўзим Худодурмен!

Бу – ўша, Соҳибқирон Амир Темур Дамашқ фатҳидан сўнг, 1401 йили чексиз иззат ва икром билан Самарқандга олиб келган Усмон Қуръони, Мусҳафлар имомидир.

Соҳибқиронга уни ибн Холдун инъом этган. Ва бу тенгсиз аллома Расулуллоҳ наслидандир, Абу Ҳанифа билан имом Мотуридий каби...

Низомиддин Шомий билан Шарафиддин Али Яздий гувоҳлик беришича, ўшанда Соҳибқирон амирлари ва давлат арконларига таъкидлаб айтадики:

– Бул мамлакат бир қанча вақт Муовия ва Язиднинг қўл остида бўлган. Ва биз доим эшитиб келар эдикки, ул маҳалда марвонийлар аҳли байтга, хоссатан ҳазрат Мустафо салл Оллоҳу айлайҳи ва салламнинг куёви ва биродари Алийи Муртазо ва унинг қиёматли хотини Фотимаи Зухро фарзандларига ёвлик-душманлик қилиб келдилар, урушдилар, ўлдирдилар, ҳам уларнинг ҳақиқага зид-гаюр ишлар қилдилар.

Бизга бу эътиқод номақбул кўринган.



*Шунинг учунким, улар умматнинг яхшиси эрди ва уларга эргашганлар зулмату куфрни тарк этиб, Ислом нурига мушарраф бўлди.*

*Улар қандай қилиб Расулulloҳдек муборақ зотнинг оила аҳлига бу қадар акслик-золимлик қилгай?..*

*Шундай қавмга Ҳақ таоло қандай қилиб балойи офат юбормагай?! Ва уни азобу уқубатга гирифтор этмагай?!*

Яна ривоятнинг давомига қайтсак.

Шундай қилиб, бошидан хуши учган Язид яна базмгоҳга қайтади ва кутуриб ичмоққа бошлайди, саркаш ўйинга тушади, шундан сўнг ичбурук тутиб, хала жойга ошиғич ўзини уради, шошилинича оёғи тойиб беихтиёр тубанга кулайди.

Ва нажосатга ботиб ўлим топади!

Ҳолбуки, у дунёнинг ярмига ҳукмдор бўлган!

Бундай даюсларни эсламоқ таъбни кир қилади. Лекин, нима қилай, ёмонни айтмай, яхши йўқ.

Ҳақиқат шундайки, бугун ўзини “сайид” ё “хўжа” сифатлаб, биз Муҳаммад (с.а.в.) авлодимиз, деяётган табақанинг аксарияти унинг кон душмани – уммавийлар сарқитидир!..

Қаранг, ҳаёт дарёси қандай кулоч отиб, қандай ҳайбат солиб оқади. Унга жон ато этган тириклик суви борлиққа қандай кўрку тароват улашиб, қандай зебу жозиба бағишлайди.

Бу азим дарё қаердан бошланиб, қаёққа оқиб бораётганини биров билмайди, худдики беэга, худдики ўз-ўзидан шундай бўлиб қолган. Аммо уни Яратган бор, Сўровчиси бор. Ва у мудом Чарх узра ҳозир, мудом бош устингдадир.

Муҳаббатга муносиб зотлар сазовор бўлади. Ва Яратганнинг қаҳр-ғазабига ҳам!

Бугун хорлик ва зорлик сизга ёвузлик қилган муртадларга юз бурди! Ва набийлар, расуллар ғазаби аланга олиб, Ҳусайннинг қотили ва унга ён босганлар, токи Уммиягача жаҳаннам ўтида ёниб кул бўлди...

***“У кунда Ҳақ йўлдан озганлар бир-бирига ёв бўлур...”***<sup>12</sup>

Албатта, мен Азим Суён ҳақидаги ҳикоя ғамли-ғуссали якун топишини истамайман. Токи у шундай бўлсинки, кўнгилни очиб юборсин! Ва ундан жаннат гулларининг ифори келиб турсин. Ва баҳраманд бўлган одамки бор: “Ў-ў, ко-о-ор, биз ҳам юрган эканмиз-да, дунёнинг тубига етдик, деб, бу ёқда шундай шоирлар бор экан!” – десин! Ва ҳайрат бармоғини тишласин!

*“Булоқ кўзидан отилиб чиқаётган сув не-не машаққатли йўлларни босиб, не-не тошларни ёриб чиққанлиги учун тотлидир!”* – дейди шоир.

Аслида ҳам шундай.

Ва унинг ўзи ҳам шундай йўлни босиб ўтди.

Азим Суён муҳаббатга сазовор шоир. Мудом у дилларни яхшилик билан, сабр ва шеър билан олади.

<sup>12</sup> “Қуръони Карим”, Тошкент, “Тошкент ислом университети” НМБ, 2009 йил, 43:67.

*(Яратган) суйган бандасига ҳикмат ато этади. Кимгаки ҳикмат етган бўлса, бас, муҳаққақ, кўп яхшилик етибди* (Қуръон).

Қаранг, шоир ғамли-аламли ҳикоямизга чиройли хотима бўлсин деб, белги-аломат бўлсин деб кўркам бир шеър ёзибди:

*Бунда йўл йўқ эди,  
Кимдир бемалол  
Ўзича қайгадир шу ердан ўтди.  
Кунлар илиб-илиб  
Ёз келган мисол  
Кўп ўтмай каттакон йўл бўлиб кетди...*

2007-2012